

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.ФМ./Т.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**САДИКОВ ИЛХАМ ИСМАИЛОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАР ВА ЎТА СОФ МОДДАЛАРНИНГ  
НЕЙТРОН-АКТИВАЦИОН ТАҲЛИЛИ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкенти – 2018**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
технических наук**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor (DSc)  
on Technical Sciences**

**Садиков Илхам Исмаилович**

Ўта соф моддалар ва технологик маҳсулотларнинг нейтрон-  
активацион таҳлили..... 3

**Садиков Илхам Исмаилович**

Нейтронно-активационный анализ высокочистых веществ и  
технологических материалов..... 29

**Sadikov Ilkham Ismailovich**

Neutron Activation Analysis of High Purity Substances and  
Technological Materials..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ..... 61

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.30.05.2018.ФМ./Т.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**САДИКОВ ИЛХАМ ИСМАИЛОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИК МАҲСУЛОТЛАР ВА ЎТА СОФ МОДДАЛАРНИНГ  
НЕЙТРОН-АКТИВАЦИОН ТАҲЛИЛИ**

**01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари**

**Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкенти – 2018**

**Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.DSc.FM.125 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.iplt.uz](http://www.iplt.uz)) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Юлдашев Бехзод Садикович</b> физика-математика фанлари доктори, профессор, академик
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Муминов Толиб Мусаевич</b> физика-математика фанлари доктори, профессор, академик <b>Бахрамов Садулла Абдуллаевич</b> физика-математика фанлари доктори, профессор, академик <b>Рахматов Ахмат Зайнутдинович</b> техника фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарқанд давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM./Т.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «27» октябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 33, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти. Тел. (+99871) 262-31-69; факс (+99871) 263-32-54; e-mail: [info@ipit.uz](mailto:info@ipit.uz)).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси 33. Тел. (+99871) 2623169).

Диссертация автореферати 2018 йил «15» октябрь куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.Б. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., катта илмий ходим

**Д.Т.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**И. Нуриддинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда ўта соф моддаларни олиш ҳамда уларнинг ҳоссаларини ўрганиш масалаларини ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда. Фан ва техниканинг опто ва микроэлектроника, атом ва космик технологиялар, прецизион асбобсозлик каби замонавий соҳаларини ривожлантириш кўп ҳолларда ўта тоза моддалар олиш технологиясининг охириги ютуқлари билан белгиланади. Ҳозирги кунда бу таркибида ўта кам, аралашмалари  $10^{-9}\%$  ва ундан ҳам кам бўлган моддаларни олиш имконини беради. Ўта тоза моддалар физика ва кимёси соҳасида дунёда фундаментал тадқиқотлар ривожланиш тенденцияси «таркиб-хосса» корреляциясини топишга, олдиндан белгиланган хоссага эга бўлган, келажак материалларини олишга қаратилган. Бундай материалларнинг олиниши уларнинг элемент таркиби тадқиқоти услубларини доимий равишда мукамаллаштириб боришни талаб қилади. Шунинг учун бундай материаллар тозалигини назорати йўлида фойдаланиладиган бир пайтда кўп сонли элементларни  $10^{-7}$ - $10^{-11}\%$  ва ундан ҳам кам миқдорларини аниқлай оладиган таҳлил услублари ишлаб чиқиш вазифаларини ҳал қилиш ўта муҳим.

Ҳозирги кунда жаҳонда нейтрон-активацион таҳлил (НАТ) ўта тоза моддалар таркибидаги микроаралашмаларни физикавий аниқлаш услублари орасида аниқ ва сезгирлиги билан алоҳида ажралиб туради. Аниқлашнинг жуда паст куйи чегараси (баъзи элементлар учун рекорд даражада паст), битта намунадан аралашма элементларнинг катта сонини бир вақтда аниқлаш имконияти (45 та элементгача ва ундан ортиқ), назорат тажрибаси учун тузатишнинг йўқлиги, аралашма элемент радионуклидларининг жуда кам миқдорларини матрица элементларидан ажратишда, радиоактив бўлмаган ташувчилардан фойдаланиш имконияти НАТнинг тоза моддалар таҳлилида кенг фойдаланишини таъминлади. Унинг яна бир муҳим афзаллиги, қайд қилинаётган сигналнинг аниқланадиган элемент миқдorigа чизиқли боғлиқлигидир ва бу натижаларнинг юқори аниқлигини таъминлаб, активацион таҳлилни арбитраж усул сифатида ишлатилишига имкон беради. НАТнинг ушбу афзалликлари уни турли хил технологик материалларда ноёб, тарқоқ ва асил металлларнинг кам миқдорларини аниқлаш имконини беради.

Турли элементларнинг юқори концентрациялари фонида аниқланаётган элементларнинг жуда кам миқдорларини аниқлаш радиоактив атомларнинг ажратиш ва концентрлашнинг юқори самарали ва селектив услубларини ишлатишни тақозо этади.

Мамлакатимиз уран, олтин, мис ишлаб чиқаришда дунёнинг етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Республикада, шунингдек, W, Mo, Se, In, Cd, Te ва уларга йўлдош бўлган Re, Pd, Pt каби қатор ноёб ва тарқоқ металллар қазиб чиқарилади. Металлургия ва кимё саноатида, ўзида анча катта миқдорда ноёб ва нодир металллар тутган ишлаб чиқариш чиқиндиларининг жуда катта захиралари йиғилиб қолмоқда. Шу муносабат

билан, олинган металллар тозалигини аналитик назорат қилиш ва ноёб металллар миқдорининг мониторинги, ҳамда уларни ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1443-сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Нейтрон активацион таҳлил, жумладан ўта соф моддаларнинг радиоактив нейтрон активациявий таҳлили бўйича тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Nuclear Science Center at Washington state University, Laboratory of Radiochemistry and activation analysis, Neutron Sciences at Oak Ridge National Laboratory, Analytical Chemistry Group at the Missouri University, The University of Texas at Austin (АҚШ) каби илмий марказларида, Centre National de la Recherche Scientifique (Франция), Delft University of Technology (Голландия), Nuclear Physics Institute of the Czech Academy of Sciences (Чехия), Institute for Particle and Nuclear Physics Hungarian Academy of Sciences (Венгрия), Institute of Nuclear Physics and Chemistry, CAEP (Хитой), Korea Atomic Energy Research Institute (Корея Республикаси), В.И.Вернадский номидаги Геология ва аналитик кимё институти (Россия), Микроэлектроника технологиялари муаммолари ва ўта соф моддалар институти (Россия), Нодир металллар саноати давлат илмий-тадқиқот ва лойиҳаштириш институти (Россия), Россия фанлар академияси Сибирь бўлимининг Ноорганик кимё институти (Россия), Бирлашган ядро тадқиқотлари институти (Дубна, Россия), Ядровий тадқиқотлар институти (Украина), Ядро физикаси институти (Қозоғистон)да олиб борилмоқда.

Нейтрон-активацион таҳлил усули билан табиий бирикмалар (тупрок, сув, рудалар, геологик намуналарнинг) элемент таркибини ўрганиш бўйича жаҳон миқёсида бир қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ўта тоза германий таркибидаги фосфор миқдорини радиоактив НАТ усули билан аниқлашда, фосфорни радиоактив тоза ҳолда ажратиб олиш учун биринчи мартаба 2 камерали автоклавдан ва қалай оксидада

сорбция қилишдан фойдаланиб, рекорд натижага эришилган. (В.И.Вернадский номидаги Геология ва аналитик кимё институти, Россия), компаратор усулини қўллаш устида тадқиқотлар олиб боришган ва бу усулнинг компьютер дастурини такомиллаштиришган (В.И.Вернадский номидаги Геология ва аналитик кимё институти, Россия; Delft University of Technology, Голландия); ТБФ-НСI, НВг экстракциявий хроматография, теллурни метал ҳолида чўктириш, симоб ва теллурни Dowex-1 – НСI ион алмашилиш системасида хроматографик ажратиш усулларида фойдаланиб, ўта соф индий, кадмий, теллур, симоб, мураккаб таркибли  $Cd_xHg_{1-x}Te$  ярим ўтказгичининг микроаралашма таркибини РНАТ усули билан аниқланган (Микроэлектроника технологиялари муаммолари ва ўта соф моддалар институти, Россия); инструментал НАТ усули билан ўта соф кремний ва кўрғошин таркибини аниқлашда, катта массали намуна ва юқори самарали гамма спектрометрларидан фойдаланиб, аралашма элементларини аниқлашнинг ўта паст аниқланиш чегараларига эришишган (Нодир металллар саноати давлат илмий-тадқиқот ва лойихаштириш институти, Россия).

Дунёда ўта соф моддалар олиш ҳамда уларнинг ҳоссаларини ўрганиш бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқот олиб борилмоқда:

аралашма элементларни матрицадан радиоактивий ажратишнинг юқори самарали усуллари ишлаб чиқиш;

тахлилнинг асосий босқичларини муқобиллаштириш йўли билан аниқланиш чегарасини пасайтириш ва аниқлигини ошириш;

элементлар миқдорини компаратор усули билан аниқлашда замонавий дастурлардан фойдаланиш;

мураккаб гамма спектрларни таҳлил қилишни автоматлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўта соф моддалар таркибига кирган жуда кам миқдордаги аралашмаларни нейтрон-активацион усулда ўта юқори сезгирлик билан аниқлашни, фақатгина, юқори нейтрон оқимида эга ядро реактори ва замонавий спектрометрик ускуналар билан жиҳозланган илмий марказларда бажариш мумкин. Бугунги кунда дунёда бундай марказлар сони кўп эмас.

Жахоннинг етакчи олимлари, масалан, россиялик (Ю.А.Карпов, Ю.А.Золотов, Э.Н.Гилберт, И.Г.Юделевич, И.Р.Шелпакова, Ю.В.Яковлев, В.П.Колотов, Н.Н.Догадкин, В.К.Карандашев, С.С.Гражулейне, Б.С.Фирсов, М.Н.Шулепников, Т.Т.Киселева, ва бошқалар) олимлар томонидан галлий, кадмий, теллур ва бошқа ўта соф металллар таркибидаги микроаралашмаларни аниқлашда матрица ва аралашма элементлар радионуклидларини турли экстрагентлар ёрдамида ажратишга асосланган радиоактивий нейтрон-активациявий таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш устида изланишлар олиб борилган. Бунда аралашма ва матрица элементлари радионуклидларини бир-биридан ажратишда ҳозирги кунда мавжуд барча: чўктириш, буғлатиш, экстракция, ион алмашилиш, хроматография каби радиоактивий усуллардан фойдаланилган.

Америкалик олимлар (Sh. Landsberger бошчилигидаги илмий гуруҳ) асосан гамма спектрометрик ўлчашлар пайтида юқори энергияли гамма нурланиш натижасида паст энергиялар соҳасидаги гамма нурланишини ўлчашга халақит берувчи комптон нурланишини камайтириш устида изланишлар олиб бормоқда (University of Texas at Austin, АҚШ).

Бугунги кунда НАТ усули асосан атроф муҳит намуналари таҳлили учун инструментал вариантда қўлланилмоқда. Ўта тоза моддалар таҳлили учун кўпроқ масс-спектрометрия усуллари, хусусан индуктив боғланган плазмали масс-спектрометрия усули қўлланилмоқда. Лекин нейтрон-активацион таҳлил усули, кенг тарқалмаганига қарамасдан, ўта соф моддалар таркибидаги кўпгина элементларни аниқлашда мавжуд, барча усуллардан устун туради. Шунинг учун ўта соф моддаларнинг микроаралашма таркибини нейтрон-активацион таҳлили билан аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш долзарб муаммо ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ядро физикаси институтининг Ф-2.1.20 рақамли «Махсус тоза моддаларнинг микроаралашма таркибини ядро-физикавий таҳлил усуллари билан тадқиқ этиш ва турли технологик материаллар таркибидаги ноёб ва кам тарқалган элементларни аниқлаш» (2003-2007),

П-7.21 рақамли «Ишлатилган АПК-2 катализатори таркибидаги палладийни ажратиб олиш услубини ишлаб чиқиш» (2003-2005), ФА-А14-Ф060 рақамли «Табиий ва технологик материаллар таркибидаги оғир ва ноёб металллар миқдорини аниқлашнинг янги, юқори сезгир ядро-физикавий усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011), ФА-Ф2-Ф.064-Ф.063 рақамли «Элементларни фазалараро тақсимланиши ва уларни табиий ва техноген системаларда таҳлили» (2007-2011); Ф7-ФА-Ф.122 рақамли «Ядро физикавий усуллар ёрдамида нодир ва нодир ер металлларининг янги (фосфор) органик моддалар билан комплекс ҳосил қилиш хусусиятини тадқиқ этиш» (2012-2016) ҳамда Украина илмий-технологик маркази халқаро гранти Uzb-26 рақамли «Ўта соф моддалар ва атроф муҳит намуналарининг макро ва микрокомпонент таркибини радиоаналитик аниқлаш усуллари» (2001-2004) мавзусидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўта тоза Si, Ga, Zr, In, Te, Pd, Pt, U нинг нейтрон активациявий таҳлил услублари мажмуаси ҳамда техноген маҳсулотлар таркибидаги нодир ва тарқоқ металллар миқдорини аниқлаш ва уларни ажратиб олиш услубларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ТБФ-НСl, НBr, HNO<sub>3</sub> системаларида Ga, Zr, In, Te, U макрокомпонентлари ва 30 дан ортиқ элементлар микромиқдорларининг экстракцион ва экстракцион хроматографик табиатини аниқлаш;

ТБФ-HNO<sub>3</sub> экстракцион ва экстракцион-хроматографик системасида ураннинг макромиқдорлари ва <sup>239</sup>Np нинг микромиқдоридан, 30 га яқин элементларни ажратиб олиш услубини яратиш;

Dowex 1x8 – нитрат кислота анион алмашилиш хроматографияси системасида палладий ва платинанинг макромиқдорларидан 35 дан ортиқ аралашма элементлар микромиқдорларини ажратиб олиш услубини ишлаб чиқиш;

Si, Ga, Zr, Pd, In, Te, Pt ва U инструментал ва радиокимёвий НАА си кўп элементли услублари мажмуасини яратиш,

палладийни кислотали эритмалардан гидразингидрат билан чўктириш, филтрлаш ва қайта тозалаш шароитларини оптималлаштириш;

АПК-2 ишлатилган катализатори таркибидан 99,9% тозаликдаги металл палладийни ажратиб олиш услуби ва технологиясини ишлаб чиқиш.

осмий микромиқдорларини дистилляция ва экстракцион-хроматография усуллари билан ажратиб олиш услубларини яратиш;

**Тадқиқотнинг объекти** ўта тоза Si, Ga, Zr, Pd, In, Te, Pt ва U, АПК-2 ишлатилган катализатори, мис-молибден ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган сульфат кислотали чиқинди оқава сувлар ва осмий металидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** Ga, Zr, Pd, In, Te, Pt ва U ни турли юқори самарали концентрлаш усуллари билан аралашма элементлардан ажратиш ва 20-38 аралашма элементларини юқори сезгирлик билан нейтрон-активациявий аниқлаш, гамма-спектрометрияда систематик хатоликни камайтириш ва ҳисобга олиш, технологик материаллардан палладий ва осмийни ажратиб олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида радиокимёвий ажратишнинг чўктириш, дистилляция, экстракция, ион алмашилиш ва хроматография усуллари, бу усуллар билан элементларнинг табиатини ўрганишда радиоактив индикаторлар усули, ўлчашларда гамма ва рентгенфлуоресцент спектрометрияси усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўта соф кремнийни инструментал нейтрон-активацион таҳлил вариантыда гамма спектрометрик ускунанинг юқори қайд тезликларида ишлаш мобайнидаги систематик хатоликни камайтириш ва ҳисобга олиш услублари ишлаб чиқилган;

ТБФ-НСl, ТБФ-НВr, ТБФ-ННО<sub>3</sub>, Д2ЭГФК-НСl, Д2ЭГФК-ННО<sub>3</sub> системаларида Ga, Zr, In, Te ва U макрокомпонентларини, қатор элементлар микромиқдорларидан, экстракцион ва экстракцион хроматографик усуллар билан юқори самарали ажратиш услублари ишлаб чиқилган;

биринчи маротаба ураннынг микроэлемент таркибини нейтрон активацион таҳлилнинг икки варианты радиокимёвий ва нурлатишдан олдин концентрлаш усуллари мажмуаси ёрдамида парчаланиш маҳсулотлари қийматини ҳисобга олган ҳолдаги услуби ишлаб чиқилган;

биринчи марта  $n \cdot 10^{-4}$  –  $n \cdot 10^{-9}\%$  масс аниқлаш чегараси билан 34та элементни аниқлаш имконини берадиган палладий ва платинанинг радиокимёвий нейтрон-активацион таҳлили услублари ишлаб чиқилган;

кислотали эритмалардан палладийнинг 98,2% миқдорини гидразин гидрат ёрдамида чўктириш ва 99.92% тозаликгача қайта тозалашнинг оптимал шароитлари аниқланган;

осмийни сульфатли чиқинди эритмалардан дистилляция услуги билан 95% гача ва экстракцион хроматография билан 72% гача ажратиб олиш шароитлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

ўта соф галлийнинг радиоактивий нейтрон-активацион таҳлилида аниқланадиган элементлар сонини ошириш мақсадида ТБФ-НС1 экстракцион-хроматография системасида 10 тадан ортиқ элементлар экстракциясини теллурнинг макромиқдори билан пасайтириш усули ишлаб чиқилган;

ўта тоза Ga, Zr, In, Te, Pd, Pt ва U нинг кўп элементли ва юқори сезгир нейтрон-активацион таҳлил услублари ишлаб чиқилган;

техноген маҳсулотлар таркибидан палладий ва осмий металлларини ажратиб олиш услублари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** миқдори ўлчанган элементлар радионуклидларининг гамма спектрлари, моддаларнинг рентгенфлуоресцент спектрлари, уларнинг миқдорини ҳисоблашда Давлат реестри рақами №5920-91 бўлган ва Ўта тоза моддалар кимёси институти томонидан чиқарилган ва дунёнинг 8 та нуфузли аналитик лабораториялари томонидан лабораториялар аро таҳлил қиланган ўта соф кремний стандарт намунасида фойланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уларнинг иқтисодиёт тармоқлари учун янги матерриаллар яратиш ва янги ресурс тежамкор технологиялар ишлаб чиқиш каби долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлиги, бу муаммоларни ҳал қилишда биринчи мартаба бир элементнинг макромиқдори бошқа элементлар микромиқдорларининг экстракциясини пасайтириши эффектидан фойдаланиб, элементларни бир биридан ажратиш селективлигини ошириш имкониятининг кўрсатиб берилгани, ўта тоза Si, Ga, Zr, Pd, In, Te, Pt ва U нинг 25 дан 34 гача элементларни  $n \cdot 10^{-4} - n \cdot 10^{-13} \%$  гача миқдорларини  $s_r$  0,15-0,25 билан аниқлаш имконини берувчи юқори сезгир, кўп элементли инструментал ва радиоактивий НАТ усуллари мажмуасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган инструментал ва радиоактивий НАТ услублари Ядро физикаси институти ва «Пиллар» Ёпиқ акциядорлик жамияти ўртасидаги халқаро контрактни бажаришда, «Тезлатгич» корхонасида германий-68 радионуклидини олишда ўта соф галлий циклотрон нишонини тайёрлаш жараёнида, Ядро физикаси институтида ўта соф теллур олишда технологик жараённинг аналитик назорати ва олинган маҳсулот тозалигини аниқлашда, ҳамда 3,86 т ишлатилган АПК-2 катализаторидан 51 кг тоза метал палладий ажратиб

олишда («Электрохимпром» Чирчиқ ишлаб чиқариш бирлашмаси (ЧИЧБ)) қўлланилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Ўта соф моддалар ва технологик маҳсулотларнинг нейтрон-активацион таҳлилига оид олинган натижалар асосида:

ўта соф галлийнинг радиоактив нейтрон-активацион таҳлили усули «Тезлатгич» илмий ишлаб чиқариш корхонасида германий-68 радионуклидини олиш ва галлий циклотрон нишонини тайёрлаш учун қўлланилган («Тезлатгич» корхонасининг 2018 йил 11 майдаги 249/1-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши 1 Кюрис 120000 АҚШ доллари бўлган 0,1 Кюри германий-68 олиш натижасида экспорт маҳсулоти ҳажмини ошириш имконини берган;

ўта соф галлийнинг радиоактив нейтрон-активацион таҳлили усули «Тезлатгич» илмий ишлаб чиқариш корхонасида  $^{68}\text{Ge}/^{68}\text{Ga}$  радионуклид генераторини яратиш учун қўлланилган («Тезлатгич» корхонасининг 2018 йил 11 майдаги 249/1-сон маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши  $^{68}\text{Ge}/^{68}\text{Ga}$  радионуклид генераторининг тажриба моделини яратиш имконини берган;

ўта соф теллур микроаралашма таркибини аниқлашнинг нейтрон-активацион таҳлили усули Ядро физикаси институтида ўта соф теллур олиш технологик жараёнининг турли босқичларида аналитик назоратни таъминлаш, бошланғич (95-96%) ва якуний маҳсулот (99,999%) таркибини аниқлашда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 августдаги №2/1255-2049–сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш 120 дан ортиқ таҳлил ўтказиш ва бу билан 1 килограммининг нархи 200-220 АҚШ доллари бўлган 200 кг дан ортиқ ўта соф теллур олиш ва бунинг натижасида институтнинг экспорт потенциалини ошириш имконини берган;

кўп элементли ва юқори сезгир нейтрон-активацион таҳлил услублари радионуклидлар ва оғир металлларнинг силикат сорбентларида, сувли муҳитда тақсимланиш коэффициентларини ўлчаш учун ФА-А12-Ф009 рақамли «Сувли муҳитдан радионуклидлар ва оғир металлларни ажратиш олиш учун силикатлар асосида танлаб таъсир этувчи сорбентлар тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017) амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 2 августдаги №2/1255-2049-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ишлаб чиқилган сорбентларнинг ишлатилиш соҳасини, ажратиш олинадиган оғир металллар ва радионуклидлар турини, уларни ажратиш самардорлигини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 8 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш қисми, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўта тоза моддаларни таҳлил қилиш усуллари**нинг **замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида юқори тозаликдаги моддаларнинг аналитик кимёсида қўлланилувчи сезувчанлиги юқори бўлган ҳамда кўп элементли таҳлил усуллари қаторида нейтрон-активацион таҳлилнинг ўрнини аниқлаш мақсадида юқори тозаликдаги моддалар аналитик кимёси замонавий ҳолатининг шарҳи ўтказилди. Нейтрон-активацион таҳлилнинг ўзига ҳослиги, ушбу усулдаги учта вариантнинг (инструментал, радиокимёвий ва нурлантиришгача бўлган концентрлаш) афзалликлари ва камчиликлари кўрсатилди ва уларнинг қўлланиш соҳалари кўриб чиқилди. Тозалиги юқори бўлган моддаларнинг радиокимёвий Нейтрон-активацион таҳлилида тавсия этилган концентрлаш усуллари алоҳида талаблар қўйилди. Тозалиги юқори бўлган уран, палладий, платина, цирконий, галлий ва индийларнинг замонавий таҳлил усуллари ҳолатига доир шарҳлар ўтказилди. Ушбу бобнинг хулосасида диссертацияга қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган асосий тадқиқот йўналишлари ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг «**Тажриба техникаси**» деб номланган иккинчи бобида концентрлаш усуллари ишлаб чиқишда элементларнинг ҳоссалари радиоактив индикаторлар усулида тадқиқ қилинган. Радиоактив индикаторларни мос металллар, уларнинг оксидлари ва тузларини ядро реактори нейтронлари билан нурлантириб олинди.

Нурлантириш ЎзР ФА Ядро физикаси институти ВВР-СМ русумли тадқиқот ядро реакторининг вертикал каналларида зичлиги  $(0,8-1,2) \cdot 10^{14}$  нейт./см<sup>2</sup>.с бўлган нейтронлар оқими билан 30 сониядан 150 соатгача вақт мобайнида ўтказилди.

Радионуклидларнинг гамма активлиги, ўта тоза германий кристаллидан тайёрланган детектордан (Canberra фирмаси, АҚШ, энергетик аниқлиги

1332,5 кэВ чизиғи буйича 1,7 кэВ га тенг, 1332,5 кэВ чизиғи учун нисбий кайд килиш самарадорлиги 10, 15, 20%, пик: комптон нисбати 44:1), ҳамда кўп каналли DSA-1000 анализаторидан (Canberra, АКШ) иборат бўлган гамма-спектрометрда ўтказилди. Спектрал маълумотлар Genie-2000 дастури ёрдамида қайта ишланди.

Суюқ намуналарнинг гамма-активлиги стандарт полиэтилен флаконларда ўлчанди. Нисбий ўлчашларда бир хил ўлчаш геометриясини таъминлаш учун намуналар ҳажми бир хил қилиб олинди.

Экстракцион ва ион алмашинув ажратиш жараёнида элементлар хоссалари, ҳажми 20-25 мл ли қирилган пробкали шиша пробиркаларда, ҳона ҳароратида ўрганилди. Тақсимланиш коэффициентларини (D) аниқлашда пробиркаларга ўрганилаётган элементларнинг радионуклидларини ўзида тутган мос концентрациядаги 5 мл кислота эритмасидан солинди, сўнгра пробиркага 5 мл экстрагент ёки 1 г ион алмашиниш смоласидан кўшилди ва аралашмани 5-30 дақиқа давомида аралаштирилди. Фазалар ажралганидан сўнг алиқвоталар олинди ва гамма-активлиги ўлчанди.

Экстракцион хроматографияни қуйидаги системаларда ўтказилди: ТБФ- $\text{HNO}_3$ , ТБФ- $\text{HCl}$ , ТБФ- $\text{HBr}$ , ТБФ- $\text{H}_2\text{SO}_4$ , ТОА- $\text{H}_2\text{SO}_4$ , ТОФО- $\text{H}_2\text{SO}_4$ , Д2ЭГФК- $\text{HCl}$ , Д2ЭГФК- $\text{HNO}_3$ , Д2ЭГФК- $\text{H}_2\text{SO}_4$ . Қаттиқ фазали экстрагентни тефлон кукунига керакли экстрагентларни шимдириш орқали тайёрланди. Ион алмашиниш хроматографиясини Dowex-1x8 - $\text{HCl}$ ,  $\text{HNO}_3$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{H}_3\text{PO}_4$  системаларда ўтказилди. Хроматография учун шишали хроматографик колонкалардан фойдаланилди (ички диаметри 0,7 см, баландлиги 25 см), кўзғалмайдиган фазани суспензион усул билан тўлдирилди. Элюирлаш тезлиги 1 дақиқада 0,7-1 миллилитрни ташкил этди. Хроматографик колонка узунлиги буйича макрокомпонентларнинг тақсимланишини ўрганиш учун қалинлиги 5 см, коллиматор кенглиги 0,5 см бўлган стандарт кўрғошин ғиштлар билан ҳимояланган ярим ўтказгичли детекторда кетма-кет равишда хроматографик колонка тор зоналарининг гамма-активлиги ўлчанди. Микрокомпонентларни элюирлаш эгри чизиқларини тузиш учун элюатни пластик флаконларга 1 мл ли алоҳида фракциялар холида йиғилди, ҳар бир фракциядаги ўрганилаётган радионуклидларнинг гамма-активликлари ўлчанди ва элюат ҳажмига қараб  $C_0/C_i$  (ҳар бир фракциядаги радионуклидлар гамма-активлигининг -  $C_i$  умумий гамма-активликка -  $C_0$  нисбати) нисбати графиги тузилди.

Диссертациянинг «**Ўта соф кремнийнинг инструментал нейтрон-активацион тахлили**» деб номланган учинчи бобида аралашма элементларнинг инструментал (нодеструктив) нейтрон-активацион аниқлаш (ИНАА) вариантыда, асосий элемент радионуклидлари аралашма элементлар радионуклидларининг активлигини ўлчашда халақит бермайдиган ҳолатда қўллаш мумкинлиги таъкидланди. Ўта тоза кремний ИНАА учун жуда қулай бўлган материал ҳисобланади. Кичик активланиш кесими (0,1 барн),  $^{31}\text{Si}$  матрица радионуклидининг қисқа ярим емирилиш даври (2,62 соат), гамма-квантнинг кам чиқиши (0,007%), ўта тоза кремнийдаги микроаралашмалар

миқдорини нейтрон-активацион таҳлилнинг инструментал варианты ёрдамида аниқлаш учун жуда қулай шароит яратади.

Ўта паст аниқланиш чегараларига эришиш учун маълум ишлардаги авторлар 1500 г гача намунани 50 соат нурлантиришган. Бундай шароитда интерференция реакциялари бўйича нисбатан юқори радиоактивликка эга  $^{24}\text{Na}$  радионуклиди ҳосил бўлади, бу эса ўз навбатида ўлчашдаги катта систематик ҳатоликларига олиб келади. Шунинг учун гамма-активликни ўлчашни нурлантириш тугагандан сўнг 3-4 кун ўтиб бошланган.


Ушбу ишда ўта тоза кремнийнинг ИНАТ учун массаси 0,5 дан 5 г гача бўлган намуналардан фойдаланилди. Намуналар 50-150 соат давомида ВВР-СМ ядро реакторининг нейтронлар оқими зичлиги  $1.10^{14}$  ней./см<sup>2</sup>.с бўлган бўйлама каналида нурлантирилди. Юқори ўлчаш тезлиги шароитидаги систематик ҳатоликларини камайтириш ва ҳисобга олиш учун ишлаб чиқилган гамма-активликни ўлчаш усули қўлланилди. Ушбу усул спектрометрик трактнинг ўтказиш қобилятини ошириш, ҳамда ўлчашнинг систематик ҳатолигини камайтириш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида совиш вақтини 1 кунгача қисқартириш ва ўта тоза кремний таркибидаги 40 дан ортиқ элементларни  $n.10^{-8}$  –  $n.10^{-13}\%$  массавий аниқланиш чегараси (АЧ) билан аниқлаш имконини берди.

**Диссертациянинг «Ўта тоза моддалар нейтрон-активацион таҳлилида концентрлашнинг экстракцион ва экстракцион-хроматография услубларидан фойдаланиш»** деб номланган тўртинчи бобида асосий ва аралашма элементлар радионуклидларини радиокимёвий ажратиш амалиётида энг кўп ишлатиладиган экстракция ва экстракцион хроматография концентрлаш усуллари таърифланди. Экстрагент сифатида турли экстрагентлар, жумладан трибутилфосфат (ТБФ), универсал экстрагент сифатида кенг ишлатилади. Тадқиқотларимизда турли минерал кислоталар эритмаларида аниқланадиган элементларнинг микромиқдорларини уран, индий ва галлийнинг макромиқдорларидан ТБФ ёрдамида, цирконий, гафний, ниобий макромиқдорларидан Ди-(2-этилгексил)-фосфат кислота (Д2-ЭГФК) ёрдамида ажратиш имкониятлари ўрганилган.


*Махсус тоза ураннинг радиокимёвий нейтрон-активацион таҳлили.* Адабиётлар таҳлили уларда ураннинг нейтрон-активацион таҳлиliga бағишланган ишлар деярли йўқлигини кўрсатди. Бунинг сабаби, уранни ядро реактори нейтронлари билан нурлантирилганда, жуда юқори солиштирма активликка эга бўлган бир нечта радионуклидлар – парчаланиш маҳсулотлари ҳосил бўлиши ва уларнинг таҳлил натижаларига таъсирини тўғри баҳолаш жуда мураккаб вазифа ҳисобланишида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, уранни ядро реактори нейтронлари билан нурлатилганда, намунанинг асосий активлигини  $^{239}\text{U}$  бета-парчаланиши натижасида ҳосил бўладиган  $^{239}\text{Np}$  активлиги ташкил қилади. Адабиётларда  $^{239}\text{Np}$  ажратиш бўйича ишлар ҳам жуда кам. Шу билан бирга, НАТ нинг потенциал имкониятлари уран таркибида жуда паст АЧ билан 20 дан зиёд аралашма элементларни аниқлаш имконини беради.

Шу муносабат билан уранинг НАТ услубини аввалдан концентрлаш ва радиоактив вариантларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилди. Тажрибалар нептунийни ТБФ-НСI системасида энг юқори самара билан экстракция қилинишини кўрсатди. Бироқ, бу система селектив эмас ва уран билан бирга 10дан ортиқ элемент ажралади, бу аниқланадиган элементларнинг сонини қисқартиради. ТБФ-6М  $\text{HNO}_3$  экстракцион-хроматография системаси селективлиги анчагина юқорирок ( $D_{\text{Np}}=110$ ,  $D_i$  25 дан ортиқ элементлар учун 10 дан кам).

Колонканинг узунлиги бўйлаб нептунийнинг тақсимланиш эгрисини ўлчаш шуни кўрсатдики, 10-12 мм диаметри колонкада нептунийнинг асосий қисми биринчи 4-5 см ичида (1-расм) анчагина кенг чўққи билан экстракция бўлади. Бу уранинг макромикдорлари ( $D_U \approx 300$ ) нептунийнинг микромикдорлари экстракциясини пасайтириши сабабли бўлиши мумкин.




1-расм. Нептунийнинг хроматографик колонка узунлиги бўйича тақсимланиш эгриси



2-расм. ТБФ-6М  $\text{HNO}_3$  системасида аниқланаётган элементларнинг ювилиш эгрилари

1-расмдан кўришиб турибдики, Нептунийни тўлиқ ушлаб туриш учун колонкада камида 7 см баландликдаги сорбент қатлами талаб қилинади ва элюентнинг ажратиладиган элементларнинг микроикдорлари тўлиқ ювилиши учун ҳажми 60 мл дан кам бўлмаслиги зарур (2-расм). Аниқланаётган элементларнинг кимёвий чиқиши 92-98% ни ташкил этди.

3-расмда кўрсатилган икки спектрни солиштириш, радиокимёвий ажратишнинг афзаллигини кўрсатди.



3-расм. Уран намунасининг матрицани радиокимёвий ажратишгача (а), ва ажратгандан кейинги (б) спектри

3(а)-шаклдан кўришиб турибдики, радиокимёвий ажратишдан олдин, спектрда асосан  $^{239}\text{Np}$  нинг гамма чўққилари кўришиб турибди.  $^{239}\text{Np}$  ни радиокимёвий ажратишдан сўнг, бу чўққилар деярли кўринмайди, лекин спектрнинг юмшоқ соҳасида ураннын парчаланиш маҳсулотларининг ( $^{99}\text{Mo}$ ,  $^{141}\text{Ce}$ ,  $^{134, 137}\text{Cs}$ ) гамма чўққилари устунлик қилади. Шунинг учун, парчаланиш маҳсулотларининг таҳлил натижаларига таъсирини баҳолаш учун, намуна НАТнинг нурлантиришдан олдин концентрлаш (НОКНАТ) вариантида таҳлил қилинди. Икки вариантдаги таҳлил натижаларини таққослаш 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**РНАТ ва НОКНАТ вариантларида баъзи элементларни аниқлаш  
натижаларини таққослаш**

№	Элемент	РНАТ	НОКНАТ	Назорат тажрибаси
1	Na	$2,0 \cdot 10^{-5}$	$4,2 \cdot 10^{-2}$	$4,0 \cdot 10^{-2}$
2	K	$1,1 \cdot 10^{-5}$	$2,5 \cdot 10^{-3}$	$2,7 \cdot 10^{-3}$
3	Sc	$3,2 \cdot 10^{-6}$	$5,4 \cdot 10^{-5}$	$5,4 \cdot 10^{-5}$
4	Cr	$3,1 \cdot 10^{-5}$	$2,2 \cdot 10^{-4}$	$2,0 \cdot 10^{-4}$
5	Fe	$6,9 \cdot 10^{-3}$	$2,1 \cdot 10^{-2}$	$2,3 \cdot 10^{-2}$
6	Ga	$3,2 \cdot 10^{-5}$	$4,2 \cdot 10^{-5}$	$8,2 \cdot 10^{-6}$
7	Mo	1,2	$3,4 \cdot 10^{-4}$	$2,5 \cdot 10^{-5}$
8	Cs	0,6	$4,1 \cdot 10^{-5}$	$2,0 \cdot 10^{-5}$
9	Ce	5,3	$1,2 \cdot 10^{-4}$	$2,4 \cdot 10^{-5}$
10	Sm	$3,6 \cdot 10^{-5}$	$4,1 \cdot 10^{-5}$	$2,6 \cdot 10^{-7}$
11	Eu	$1,4 \cdot 10^{-6}$	$2,0 \cdot 10^{-6}$	$1,2 \cdot 10^{-7}$
12	Gd	$1,5 \cdot 10^{-5}$	$1,8 \cdot 10^{-5}$	$6,3 \cdot 10^{-6}$
13	Tb	$1,4 \cdot 10^{-5}$	$6,0 \cdot 10^{-6}$	$5,7 \cdot 10^{-6}$
14	W	$5,6 \cdot 10^{-6}$	$4,3 \cdot 10^{-5}$	$4,0 \cdot 10^{-5}$
15	Re	$1,3 \cdot 10^{-4}$	$1,6 \cdot 10^{-4}$	$4,5 \cdot 10^{-6}$
16	Au	$3,2 \cdot 10^{-6}$	$4,1 \cdot 10^{-6}$	$3,1 \cdot 10^{-7}$

Тоза уранда НАТнинг икки варианты мажмуаси билан 26 та аралашма элемент  $n \cdot 10^{-5}$  –  $n \cdot 10^{-9}$ % масс. АЧ билан аниқланди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Уранда аралашма элементларни аниқлаш чегаралари**

№	Элемент	АЧ,% масс.	№	Элемент	АЧ,% масс.
1	Na	$5 \cdot 10^{-8}$	14	Cd	$4 \cdot 10^{-6}$
2	K	$2 \cdot 10^{-5}$	15	In	$2 \cdot 10^{-6}$
3	Sc	$3 \cdot 10^{-8}$	16	Sb	$3 \cdot 10^{-7}$
4	Cr	$3 \cdot 10^{-6}$	17	Te	$2 \cdot 10^{-6}$
5	Co	$1 \cdot 10^{-7}$	18	Sm	$7 \cdot 10^{-7}$
6	Fe	$9 \cdot 10^{-5}$	19	Eu	$8 \cdot 10^{-7}$
7	Ni	$1 \cdot 10^{-5}$	20	Gd	$5 \cdot 10^{-6}$
8	Cu	$9 \cdot 10^{-8}$	21	Tb	$4 \cdot 10^{-6}$
9	Zn	$6 \cdot 10^{-6}$	22	Dy	$3 \cdot 10^{-6}$
10	Ga	$1 \cdot 10^{-6}$	23	Hf	$8 \cdot 10^{-7}$
11	As	$4 \cdot 10^{-8}$	24	W	$6 \cdot 10^{-7}$
12	Rb	$1 \cdot 10^{-5}$	25	Re	$4 \cdot 10^{-5}$
13	Ag	$2 \cdot 10^{-6}$	26	Au	$5 \cdot 10^{-9}$

*Ўта тоза теллурнинг ТБФ-НСI системасида матрицани экстракцион-хроматографик ажратиш орқали радиокимёвий НАТу.*

Биз тарафдан олдин ишлаб чиқилган теллурнинг НАТ услубида ТБФ - 9М НСI экстракцион-хроматография системаси қўлланилган. Ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, кислотанинг  $C_{НСI} < 9М$  концентрациясида, тақсимланиш коэффициентининг юқорилигига қарамай, колонкадан (n,p)

реакция бўйича матрицадан ҳосил бўладиган сурьма радионуклидларининг ювилиб чиқиши кузатилди. Бунинг сабаби, ҳаттоки 9М дан юқори концентрацияда ҳам содир бўладиган сурьма гидролизи натижасида  $\text{HSbCl}_5$   $\text{OH}$  ва  $\text{HSbCl}_4(\text{OH})_2$ ларнинг сорбцияланмайдиган гидрокомплексларининг ҳосил бўлишидир. Шунингдек, 12М концентрацияли хлорид кислотанинг ишлатилиши, 9М  $\text{HCl}$  элюентланмаган яна бир қатор аралашма элементлар -  $\text{Cd}$ ,  $\text{Hf}$ ,  $\text{Re}$ ,  $\text{Se}$ ,  $\text{Zn}$  ни аниқлаш имконини беради.


Бунда 20 дан ортик элементларнинг кимёвий чиқиши 80-98%ни ташкил этди. Ўтказилган тажрибалар асосида юқори тозаликдаги теллурнинг РНАА услуби ишлаб чиқилди ва бу 21 аралашма элементларни  $n \cdot 10^{-5}$ - $n \cdot 10^{-9}$ % масс АЧ билан  $S_r$  0,10-0,25 ҳатоликда аниқлаш имконини берди.

*Юқори тозаликдаги индий, галлий ва цирконийнинг радиокимёвий НАА сида экстракцион-хроматографик концентрлаш.* Юқори тозаликдаги индий ва галлий,  $\text{InAs}$ ,  $\text{InSb}$ ,  $\text{InP}$ ,  $\text{InS}$ ,  $\text{GaAs}$ ,  $\text{GaP}$ ,  $\text{GaS}$  каби  $A^{III}B^V$  ва  $A^{III}B^{VI}$  турдаги қатор ярим ўтказгичларни олишда кенг фойдаланилади. Ярим ўтказгич материалларнинг электрофизикавий ва оптик хоссалари уларнинг микроаралашма таркибига боғлиқ. Шунинг учун, таҳлилнинг юқори сезгир усуллари ишлаб чиқиш ва уларнинг микромикдорларини аниқлаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.


*Индийнинг турли системаларда экстракцион ва экстракцион-хроматографик табиатини ўрганиш.* Адабиётлардан маълумки, индий хлорид кислота эритмаларидан ТБФ, триоктиламин (ТОА), триоктилфосфиноксид (ТОФО) билан яхши экстракцияланади. Д2ЭГФК индийни хлорид кислотанинг, нитрат кислотанинг ҳам кучсиз эритмаларидан экстракциялайди. Биз индийнинг бу системалардаги таксимланиш коэффиценти ( $D_{In}$ ), экстракция тезлиги, сиғими ва селективлигини ўргандик. Ўрганилган системалар ичида энг селективи Д2ЭГФК- $\text{HCl}$  экани аниқланди. 0,1 М  $\text{HCl}$ даги  $D_{In}$   $2,5 \cdot 10^4$  ни ташкил этади, бошқа экстрагентларда эса 100 га тенг. Лекин кислота концентрациясининг ортиши билан Д2ЭГФК даги  $D_{In}$  кескин камайишни бошлайди ва 0,4 М  $\text{HCl}$  даёқ 51, сиғим эса атига 0,23 мг/мл ни ташкил этади. Бундан хулоса қилиб, хлорид кислота эритмаларидан Д2ЭГФК билан экстракцияни индийнинг микромикдорларини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин, лекин индийнинг ўзини таҳлил қилиш учун бу услуб экстрагентнинг индий бўйича сиғими жуда кичиклиги туфайли ярамайди. Кейинчалик бу система биз томондан  $A^{II}B^{VI}$  каби мураккаб ярим ўтказгичларни легирлашда ишлатилган индийнинг микромикдорларини аниқлаш учун ишлатилди.

*Индий макромикдорларининг ТБФ- $\text{HBr}$  системасидаги табиатини ўрганиш.* Экстракция ва экстракцион хроматографияда ТБФ- $\text{HBr}$  системасидан кўшимча элементларни матрицадан ажратишда фойдаланиш бўйича кўп бўлмаган адабиётлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, бу система индий НАТида, ажратилаётган ва мос равишда аниқланадиган аралашма элементлар доирасини кенгайтиради. Кўп элементларнинг 0,1 М дан 7 М концентрацияли  $\text{HBr}$  эритмасидан ТБФ билан экстракциясидаги таксимланиш

коэффициентлари аниқланди. HBr нинг кенг диапазондаги концентрацияларида  $D_{In}$  1000 дан ошиқ экани, ва фақат Cd, Ag, Zn, Sn, Au ва Hg сезиларли экстракция бўлиши, шунда ҳам 6 M HBr дан кумушнинг тақсимланиш коэффициенти 2-3гача камайиши ва уни ажратиш олиш мумкинлиги кўрсатилди. Шу билан бирга, Fe, Se, Mo, Ga, Te, Cu, Sb, W, Sc, Cr, Mn, Co, Ni, Zr, Hf, шунингдек барча ишқорий, ишқорий-ер ва тарқоқ-ер элементлари ТБФ билан 0,1 - 1M HBr дан амалда экстракцияланмайди. ТБФ нинг индий бўйича сифими 0,1-7M HBr дан 130 мг/мл дан ортиқни ташкил этади, бу эса макрокомпонентлар экстракциясида муҳим ҳисобланади. HBr нинг турли концентрацияларида индийнинг колонка бўйича тақсимланиш эгрисининг (4-расм), ҳамда аниқланадиган элементларнинг ювилиш эгрисининг (5-расм) кўрсатишича, 1M HBr ни ишлатиш энг оптимал бўлиб чиқди.



4-расм. Индийнинг колонка бўйича тақсимланиш эгриси



5-расм. ТБФ-HBr системасида аниқланаётган элементларнинг ювилиш эгрилари

Бунда  $D_{In}$  4000 ни ташкил этади ва In колонкадаги бошлангич 3 см сорбентида ютилади, 25 дан ортиқ элементларнинг индий макрокомпонентларидан тозалаш фактори  $10^8$  ни ташкил этди ва улар 35-40 мл 1 M HBr эритмасида ювилиб чиқади. Кумуш эса 40 мл 6 M HBr дан навбатдаги элюентлаш билан ажратилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида юқори тозаликдаги индий 28 та аралашма элементни  $n \cdot 10^{-5}$ - $n \cdot 10^{-9}\%$  масс АЧ билан аниқлаш имконини берадиган РНАТ услуги ишлаб чиқилди. «Киритилди-топилди» усули билан аниқланган кимёвий чиқишлар 88-96% ни,  $S_r \approx 0,15$  ни ташкил қилди.


Юқори тозаликдаги галлийнинг радиокимёвий нейтрон-активацион тахлили. Галлийнинг радиокимёвий НАТ варианты аниқланадиган элементлар радионуклидларини  $^{72}\text{Ga}$  дан ажратишни кўзда тутди. Биз томондан галлийнинг ТОФО-НСl, Д2-ЭГФК-НСl ва ТБФ-НСl экстракцион-

хроматография системаларидаги табиати ўрганилди. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, галлийнинг юқориқоқ тақсимланиш коэффициентини ва сигими ТБФ-4М HCl системасида кузатилади. Лекин, бундай шароитларда галлий билан бирга 10 дан ортиқ элемент экстракцияланади.

Ажралиш селективлигини яхшилаш учун бу элементлар экстракциясини теллур билан пасайтириш эффекти қўлланилди. Бунинг учун даставвал хроматографик колонка тақсимланиш коэффициентини  $\sim 800$  бўлган теллур билан тўйинтирилди. Бу тақсимланиш коэффициентини 600 дан кам бўлган барча элементлар экстракциясини бостириш ва уларни колонкадан ювиб олиш имконини берди.

Хроматографик колонка баландлиги ва элюат ҳажмини оптималлаштириш учун, колонка бўйлаб матрица радионуклидларининг тақсимланиш эгриси ва аниқланадиган элементларнинг танланган системада ювилиш эгриси ўлчанди. Аралашма ва матрица радионуклидларини самарали ажратиш учун диаметри 1 см ва сорбент қавати баландлиги 6 см бўлган хроматографик колонка етарли эканлиги, аниқланадиган элементларни тўлиқ ювиб олиш учун 70 мл элюат кераклиги аниқланди. Бунда аниқланадиган элементларнинг кимёвий чиқиши 95%ни ташкил қилди.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида махсус тоза галлий таркибидаги 25 та элементни  $n \cdot 10^{-5}$ - $n \cdot 10^{-9}$ % масс. АЧ ва  $S_r$  0,15-0,2 хатолик билан аниқлаш имконини берадиган НАТ услуби ишлаб чиқилди (6-расм, 3-жадвал).



6-расм. Махсус тоза галлийнинг РНАТ схемаси

**Махсус тоза галлий таркибидаги элементларнинг РНАТдаги  
аниқланиш чегараси**

№	Элемент	Аниқлаш чегараси % масс.	№	Элемент	Аниқлаш чегараси % масс.
1.	Ag	$2 \cdot 10^{-6}$	15.	La	$8 \cdot 10^{-8}$
2.	As	$1 \cdot 10^{-7}$	16.	Mo	$3 \cdot 10^{-6}$
3.	Ba	$5 \cdot 10^{-5}$	17.	Na	$6 \cdot 10^{-8}$
4.	Cd	$5 \cdot 10^{-6}$	18.	Ni	$9 \cdot 10^{-5}$
5.	Co	$5 \cdot 10^{-6}$	19.	Rb	$4 \cdot 10^{-5}$
6.	Cr	$3 \cdot 10^{-6}$	20.	Sc	$4 \cdot 10^{-8}$
7.	Cs	$1 \cdot 10^{-6}$	21.	Sm	$2 \cdot 10^{-9}$
8.	Cu	$4 \cdot 10^{-8}$	22.	Sr	$5 \cdot 10^{-5}$
9.	Eu	$4 \cdot 10^{-9}$	23.	Ta	$2 \cdot 10^{-6}$
10.	Gd	$5 \cdot 10^{-7}$	24.	Tb	$7 \cdot 10^{-7}$
11.	Hf	$5 \cdot 10^{-7}$	25.	U	$8 \cdot 10^{-7}$
12.	Ho	$2 \cdot 10^{-6}$	26.	W	$7 \cdot 10^{-7}$
13.	In	$4 \cdot 10^{-6}$	27.	Yb	$5 \cdot 10^{-7}$
14.	K	$3 \cdot 10^{-5}$	28.	Zn	$4 \cdot 10^{-5}$

*Цирконий ва цирконий-ниобий қотишмасининг радиоактив нейтрон-активациявий тахлили.* Цирконий-ниобийли қотишмалар кучли активланадиган асосларга кирмайди. Лекин шунга қарамай, аралашма элементларни юқори сезгирлик билан аниқлаш учун, цирконий ва ниобийдан тозалаш факторлари, мос равишда  $1 \cdot 10^5$  ва  $3 \cdot 10^2$  ни ташкил этади. Шу билан бирга, цирконийнинг йўлдош элементи бўлган ва активланиш кесими 10 барнга тенг гафнийнинг юқори миқдори (0,1-0,5%), миқдори  $n \cdot 10^{-5}$ - $n \cdot 10^{-9}$ % бўлган аралашма элементларни аниқлашга халақит беради. Бу аниқланадиган элементларни цирконий ва гафнийдан  $10^5$ , ниобийдан эса  $10^2$  дан кам бўлмаган тозалаш фактори билан радиоактив ажратиш заруратини талаб қилади.

Бу масалани ечиш учун цирконий, ниобий ва гафнийни 5% ли ТОФО нинг толуолдаги эритмаси ва Д2ЭГФК нинг о-ксиллдаги 0,75 М ли эритмаси билан хлорид кислота эритмаларидан экстракция қилинди. Кўрсатилган системаларда бу элементларнинг экстракциясини ўрганиб, матрица радионуклидларини Д2ЭГФК - 3М HCl системасида ажратиш самаралироқ экани аниқланди. Ўтказилган тажрибалар цирконий ва гафнийнинг тақсимланиш коэффициентлари 1000, ниобийники эса 10 га тенглигини кўрсатди. Бундай шароитда Д2ЭГФКнинг о-ксиллдаги 0,75 М эритмаси цирконий ҳамда гафнийнинг макромикдорларини тўлиқ экстракциялайди, бу экстракция системасининг сиғими эса 70 мг/мл атрофида экани аниқланди. Бошқа элементлар макромикдорларининг тақсимланиш коэффициентларини ўлчаш молибден, иттербий ва темир учун  $D_i$  мос равишда 10, 8, ва 3 эканини кўрсатди, бошқа элементлар учун эса 0,1 дан кам.

Ўтказилаган тадқиқотлар асосида, аниқланадиган ва халақит берадиган элементлар радионуклидларининг Д2ЭГФК-3М НСІ системасида экстракцион-хроматографик ажратиш орқали, цирконий ва цирконий-ниобийлик қотишманинг,  $10^{-5}$ - $10^{-9}$ % масс АЧ ва  $S_r$  0,15-0,2 билан 30дан ортиқ аралашма элементларни аниқлаш имконини берадиган РНАТ услуги ишлаб чиқилди.

*Цирконий ва цирконий-ниобий қотишмасини РНАТ услуги.* Массаси 0,2 г бўлган намуна ядро реактори нейтронлари билан 10 соат давомида нурлантирилди. Нурлатишдан бир кун ўтгач 10 мл  $\text{HF}+\text{HNO}_3$  1:10 нисбатдаги аралашмасида эритилди, сўнгра минимал ҳажмгача буғлантирилди, бир неча марта 2-3 мл конц. НСІ билан ишлов берилди. Қолдиқ 5 мл 3М НСІ да эритилди, эритма хроматографик колонкага қуйилди ва колонкадан 0,7-1 мл/дақ. тезлик билан ўтказилди. Аниқланадиган элементлар худди шундай тезлик билан 40-45 мл 3М НСІ эритмаси билан ювилди. Элюатга 3-5 мл концентрланган  $\text{HNO}_3$  қўшилди, 10-15 мл гача буғлантирилди, ўлчаш учун полиэтилен флаконга ўтказилди ва аниқланаётган элементлар гамма-активлиги гамма-спектрометрда ўлчанди.

Диссертациянинг «**Палладий ва платинанинг матрицани анион-алмашинув хроматографияси усулида ажратиш билан нейтрон-активацион таҳлили**» деб номланган бешинчи боби палладий ва платинанинг макромикдорларини юқори асосли анионит Dowex-1x8 – нитрат кислота эритмалари ион-алмашинув хроматографияси системаси ёрдамида кўп элементли ва юқори сезгир НАТ услуги ишлаб чиқишга бағишланган.


*Палладий ва платинанинг РНАТ ида радионуклидларни матрицадан ажратиши.* Аҳоли ўртасида палладий ва платина асосан заргарлик маҳсулоти сифатида маълум бўлсада, дунёда ишлаб чиқариладиган ушбу металлларнинг катта қисми кимё, автосаноат ҳамда нефт ва газ соҳасида катализатор сифатида қўлланилади. Катализатор сифатида ишлатиладиган металлларга қўйиладиган талаблардан бири уларнинг тозалигидир. Шунинг учун улар таркибидаги микроаралашмаларни аниқлайдиган кўп элементли ва юқори сезгир усуллари ишлаб чиқиш долзарб муаммодир.

Палладий ва платинанинг ядро-физикавий хоссалари, улар нейтрон-активацион таҳлил учун қулайлигини кўрсатади. Аммо уларнинг активланиш кесими унчалик юқори бўлмасада, тозалаш фактори ҳар иккаласи учун ҳам  $10^5$  дан кам бўлмаслиги керак.


Палладий ва платинани ажратиш олиш учун ЎзР ФА Биоорганик кимё институтида биринчи марта синтез қилинган 2,5-димеркапто-1,3,4-тиадиазол ва 8-бутилтиохинолиннинг алкил ҳосилалари билан экстракцияси ўрганилди. Тажрибалар, платина ва палладий учун юқори тақсимланиш коэффициентларига (1300 гача) эгаллиги ва селективлигига (20 дан ортиқ элемент учун  $D_i$  0,1 дан кичик) қарамай, ушбу реагентларнинг сифими жуда кичик (0,5-1,5 мг/мл) бўлгани сабабли, уларни макромикдорларни ажратиш олиш учун қўллаб бўлмаслигини кўрсатди.

Палладий ва платинанинг макромикдорларини ажратиш учун биз ион-алмашинув хроматографик системасидан фойдаландик. Колонка ўлчами ва

элюат ҳажмини оптималлаштириш учун колонка бўйлаб палладий ҳамда платина макромикдорларининг тақсимланиш эгрилари (7-расм) шунингдек аниқланадиган элементларнинг элюирланиш эгрилари (8-расм) ўлчанди.



7-расм. Pt (1) ва Pd (2) тақсимланиши эгрилари. Сорбент қалинлиги – 5 см, колонка диаметри – 0,7 см



8-расм. Аниқланувчи элементларнинг элюирланиш эгрилари

DOWEX-1x8 – HNO<sub>3</sub> системасини ишлатиб, палладий ва платинанинг РНАТ услуби ишлаб чиқилди. Бунинг ёрдамида 34 та элементни  $10^{-9}\%$  гача АЧ билан аниқлаш мумкин бўлди (4-жадвал).

4-жадвал

**Махсус тоза палладий ва платинанинг радиокимёвий НАТида аралашма элементларнинг аниқланиш чегаралари**

№	Элемент	АЧ, %масс.	№	Элемент	АЧ, %масс.
1	Ag	$6,4 \cdot 10^{-6}$	18	La	$3,1 \cdot 10^{-7}$
2	As	$6,0 \cdot 10^{-7}$	19	Mo	$2,0 \cdot 10^{-6}$
3	Ba	$6,2 \cdot 10^{-5}$	20	Mn	$3,2 \cdot 10^{-5}$
4	Cd	$2,0 \cdot 10^{-6}$	21	Na	$7,2 \cdot 10^{-7}$
5	Ce	$3,0 \cdot 10^{-6}$	22	Ni	$1,5 \cdot 10^{-4}$
6	Co	$5,2 \cdot 10^{-6}$	23	Rb	$4,8 \cdot 10^{-5}$
7	Cr	$1,0 \cdot 10^{-5}$	24	Sb	$5,2 \cdot 10^{-7}$
8	Cs	$7,2 \cdot 10^{-7}$	25	Sc	$5,0 \cdot 10^{-7}$
9	Cu	$1,2 \cdot 10^{-6}$	26	Se	$8,5 \cdot 10^{-6}$
10	Eu	$6,8 \cdot 10^{-9}$	27	Sm	$7,2 \cdot 10^{-9}$
11	Fe	$3,8 \cdot 10^{-4}$	28	Sr	$2,0 \cdot 10^{-4}$
12	Ga	$5,0 \cdot 10^{-6}$	29	Te	$3,1 \cdot 10^{-6}$
13	Gd	$2,0 \cdot 10^{-6}$	30	Tb	$2,5 \cdot 10^{-6}$
14	Ho	$4,2 \cdot 10^{-6}$	31	Th	$3,2 \cdot 10^{-6}$
15	In	$3,0 \cdot 10^{-6}$	32	U	$5,5 \cdot 10^{-7}$
16	Ir	$2,1 \cdot 10^{-6}$	33	Yb	$1,2 \cdot 10^{-6}$
17	K	$4,0 \cdot 10^{-5}$	34	Zn	$7,3 \cdot 10^{-5}$

Диссертациянинг «Технологик материаллар таркибидаги тарқоқ ва нодир металларни аниқлаш» деб номланган олтинчи бобида ишлатилган АПК-2 катализаторидаги палладий микдорини аниқлаш натижалари

